



O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor shaharchasi  
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси, Тел: 41-94-255

2020 йил « 20 » сентябр

№ 724

Янгибозор шаҳарчаси

Оёқдўрман кишлоғидаги “Рустамбай Шохрухон” фермер хўжалигига кўшимча ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, “Рустамбай Шохрухон” фермер хўжалиги раҳбари Р.Абдуллаевнинг кўшимча ер майдони ажратиб беришни сураб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузурдаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очик танлов яқунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг ҳулосаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузурдаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очик танлов яқунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг ҳулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Оёқдўрман кишлоғидаги “Рустамбай Шохрухон” фермер хўжалигига Оёқдўрман кишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги № 326к, 244к, 319, 320, 321, 322, 323к, 245к, 605к, 348к, 378, 370к, 355к, 375к, 340, 342, 329к, 344, 345, 343, 362, 341, 379, 381, 380, 387к, 382, 388, 393к, 401к, 402, 386, 383, 389, 390, 392к, 385, 387к, 441, 425к, 393к, 372, 377к-контурларда жойлашган жами 116,7 гектар, шундан суғориладиган экин ери 100,3 гектар, боғзорлар 0,6 гектар, арик ва зовурлар 13,1 гектар, йўллар 2,1 гектар қурилиш ости ерлари 0,6 гектардан иборат ер участкаси кўшимча ажратиб берилсин.

3. “Рустамбай Шохрухон” фермер хўжалиги ҳисобида № 326к, 244к, 319, 320, 321, 322, 323к, 245к, 605к, 348к, 378, 370к, 355к, 375к, 340, 342, 329к, 344, 345, 343, 362, 341, 379, 381, 380, 387к, 382, 388, 393к, 401к, 402, 386, 383, 389, 390, 392к, 385, 387к, 441, 425к, 393к, 372, 377к, 366к, 152к, 156, 160а, 138, 140к, 141, 142, 143, 145, 139к, 160к, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 8а, 9, 10, 11, 13, 14, 15, 17к, 18, 19, 20к, 21, 288к-контурларда жойлашган умумий ер майдони 245,7 гектар, шундан суғориладиган экин ери 212,2 гектар, боғзорлар 0,6 гектар, арик ва зовурлар 20,9 гектар, йўллар 2,6 гектар, қурилишлар 0,6 гектар, бошқа ерлар 8,8 гектардан иборат ер майдони эканлиги қайд қилинсин ва чорвачилик йўналишида фаолиятини давом килдиришга руҳсат қилинсин ҳамда ижара муддати 40 йил қилиб белгилансин.

4. “Рустамбай Шохрухон” фермер хўжалигига кўшимча ижарага ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари Рустам Абдуллаев ўртасида тузиладиган ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими зиммасига юклатилсин.

5. Туман кишлоқ хўжалиги бўлими (Рамазанов) Урганч нефтбаза унитар корхонаси ва “Хоразмдонмахсулотлари” АЖ корхонаси билан биргаликда, туман далаат солиқ инспекцияси (Ўразбоев), “Агробанк” туман филиали (Ражаббоев), “Агрокимёхимоя” АЖ туман филиали (Адамбоев):

ер ижара шартномаси бекор қилинган фермер хўжалиklarининг 2020 йил ҳосили учун сарфланган харажатлари, етказиб берилган моддий техник ресурслар ва кўрсатилган бошқа хизматлар бўйича юзага келган қарздорликларни ҳамда 2019 йил галла ҳосили учун ажратилган имтиёзли кредитларни уч томонлама далолатнома асосида “Рустамбай Шохрухон” фермер хўжалигига қайта расмийлаштирсин;

**6. “Рустамбай Шохрухон” фермер хўжалиги раҳбари Р.Абдуллаевга:**

- туман ҳокими билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини қайта тузиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш;

- 2020 йил ҳосили учун сарфланган харажатлари, етказиб берилган моддий техник ресурслар ва кўрсатилган бошқа хизматлар бўйича юзага келган қарздорликларни ҳамда 2020 йил галла ҳосили учун ажратилган имтиёзли кредитларни уч томонлама далолатнома асосида қабул қилиб олиш;

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

7. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги, давлат статистика, давлат солиқ инспекцияси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман

Туман ҳокими



Ў.Курбанов